



VATANDOSHLAR

Ижтимоий-оммабоп газета

№ 3, 2025 йил, август

vatandoshlar.uz

[vatandoshlar_fond](#)

[vatandoshlar_fondi](#)

[vatandoshlarfondi](#)

[@Vatandoshlar](#)

ЮРТГА ҚАЙТГАН ҚИЗҒИН ИЛҲОМ



“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улўғ аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”, деган эди муҳтарам юртбошимиз.

“Ватандошлар” жамоат фонди ҳам “Ёш ватандош ёзувчи” лойиҳасини ташкил этиб, дунёнинг турли бурчакларида яшаб ижод қилаётган йигирмага яқин ватандош ижодкорларни юртимизда бирлаштирди. Улар машҳур ижодкорлар билан учрашиб, ижодий маҳорат дарсларида қатнашди, тарихий қадамжоларга сафар қилиб, ўз асарлари учун янги мавзу ва ғоялар олдилар.

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид, таниқли шоир, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажид, дўстлик медали соҳиби, машҳур шоир Шодмонкул Салом ва Гулжамол Асқарова каби адабиёт намояндалари билан бўлиб ўтган суҳбатлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Устозлар

ижодий интизом, ёзиш маданияти, бадий тафаккур ва замонавий ўқувчи истаклари ҳақида ҳаётий мисоллар билан сўз юритишди. Ёшлар ўз ижод намуналарини кўрсатиб, керакли тавсия ва кўрсатмаларни олишди.

Абдулла Қодирий уй-музейига ташриф ҳам ижодкорларга чинакам намуна мактаби бўлди, дейиш мумкин. Бу ерда ижодкорлар буюк адиб Абдулла Қодирийнинг яшаган муҳити, қўлёзмалар нусхалари, давр матбуоти ҳамда адибнинг ижодий муҳити билан танишиб, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён” сингари асарларнинг юзага келиши, уларнинг халқ орасидаги аҳамияти хусусида маълумотлар олишди. Музейдаги экспонатлар, хусусан, адибнинг иш столи ва ўша даврга оид қўлёзмалар ёш ёзувчиларга меҳнатсеварлик ва масъулият туйғуларини юксалтирди.

Сафарнинг энг таъсирли ва саргузаштларга бой қисми Самарқандга уюштирилган маданий-марикий саёҳат бўлди. Қадимий шаҳар қадамжолари – меъморий уйғунлик, илмий тафаккур ва руҳий поклик тимсоли сифатида ижодкорлар тасаввурини бойитди.



“ИЛМ СОҲИЛИ” – САРҲАДСИЗ ИМКОНИАТЛАР



БУ ДУНЁДА ҲАММА НАРСАНИНГ ПОЁНИ БОР, ИЛМГИНА БУНДАН МУСТАСНО!

Бугунги кунда юртимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар, жумладан, таълим соҳасидаги саъй-ҳаракатлар нафақат мамлакатимиз ичкарасида, балки хорижда фаолият юритаётган минглаб **ватанларимиз** учун ҳам катта илҳом манбаи бўлмоқда. Ана шундай эзгу мақсадларнинг амалий ифодаси сифатида яқинда “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан ташкил этилган “Илм соҳили” халқаро конференцияси юқори савияда ўтказилди.

Бу нуфузли анжуман доирасида хорижий юртларда аниқ фанлар – математика, физика, кимё, биология, география ҳамда бошланғич таълим йўналишларида сабоқ бериб келаётган юз нафарга яқин ўзбек ўқитувчилари мамлакатимизга ташриф буюришди. Улар Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби қўшни давлатлардан ташриф буюрган, жисман бошқа юртда бўлса-да, қалби ҳар доим Ватан билан бирга бўлган, сўнгги йилларда хориждаги ўзбек мактабларини юксалтиришга ҳисса қўшаётган фидойи устозлардир.

▼ Davomi 3-betda

Юртдан узоқда бўлса-да, қалби ҳар доим Ватан деб ураётган дилдошларни юртимизга янада яқинлаштириш, уларнинг тарихий, маданий ва маънавий меросимизга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида “Ватандошлар” жамоат фонди томонидан амалга оширилаётган “Сиз Ўзбекистонни биласизми?” лойиҳаси бу йил ҳам муваффақиятли ўтказилди. 2025 йилги лойиҳа доирасида турли мамлакатларда истиқомат қилаётган, фаолият юритаётган 10 нафар ватандош юртимизга ташриф



буюришди. Улар орасида турли соҳаларда фаолият олиб бораётган олимлар, тадбиркорлар, ижодкорлар бор бўлиб, улар Ўзбекистоннинг бой тарихи, замонавий ривожланиши ва маънавий ҳаёти билан яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар.

▼ Davomi 4-betda

▼ Davomi 2-betda

ЮРТГА ҚАЙТГАН ҚИЗҒИН ИЛҲОМ



◀ Boshi 1-betda

Гўри Амир мажмуаси – Соҳибқирон Амир Темурнинг хотира маскани. Мовий гумбаз, нақшлар ва кошнлар уйғунлиги меҳмонни дарров ўзига ром этади. Ташқи кўринишидаги содда салобат ичкаридаги ойинавор нақшлар билан уйғунлашиб, бобокалонларимизнинг буюк давлат қурилиши ва маънавий қудратини акс эттириб туради. Ёш ижодкорлар айнан шу ерда тарихий шахс сиймосини бадий таҳлил қилиш, образда куч ва масъулиятни ифодалаш ҳақида фикрга чўмишди.

Шоҳи Зинда – замонлар оша сақланиб келаётган меъморий обида. Турли даврларга оид мақбаралар сатри, ранг-баранг кошнлар ва нақшлар шоирона манзарани яратади. “Тириги тирик” маъносини англатувчи бу қадамжода аجدодлар руҳи ва санъат руҳининг уйғунлиги сезилади. Иштирокчилар безаклардаги геометрик ва ислимий нақшларни “матн” сифатида талқин қилиб, бадий деталларнинг кучини ҳис қилдилар.



Улуғбек расадхонаси ва унинг ерости қисмида сақланган секстант қолдиқлари Марказий Осиё илм-фанининг чўққиларидан далолат беради. Бу маскан ёш ижодкорларга илмий тафаккур, аниқ ўлчов ва кузатув маданиятининг адабиётдаги муқобили – синчков таҳрир, фактга ҳурмат, ғоянинг “осмон харитаси”ни чизиш зарурлигини эслатди.

Регистон – Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари уйғунлиги билан машҳур. Майдоннинг фазовий композицияси, пештоқларидаги нақш ва ёзувлар, меъморий ритм ижодкор онгида композиция ва услуб уйғунлиги ҳақидаги тасаввурни кенгайтди. Бу ерда ҳар бир ғишт, ҳар бир безак фикр ва туйғу тартибини, сўз тузилишидаги мувозанатни эслатади.

Ҳазрати Хизр мажмуаси ҳудудида жойлашган Ислом Каримов мақбараси замонавий хотира меъморчилиги намунаси бўлиб, анъана ва замонавий услуб уйғунлигини кўрсатади. Бу зиёрат маскани Ватанга садоқат, мустақиллик қадрияти ва тарихий давомийлик ҳақида чуқур мулоҳазалар уйғотди. Афсонавий Ҳазрати Хизр номи билан боғлиқ мажмуа – руҳий таскин ва поклик манзили. Мажмуа баланд тепаликда жойлашгани боис Самарқанд манзараси кўз олдингизда намоён бўлади. Ижодкорлар бу ерда сукунат ва тафаккур лаҳзаларини бошдан кечириб, бадий ниятларини хаёлан “намозга саф” каби тартибга солдилар.



Сафар давомида баҳс-мунозаралар, китобхонлик давралари ва қизғин мушоиралар ҳам ўтказилди. Иштирокчилар Самарқанд манзаралари, устозлар сабоқлари ҳамда музей кечинмаларидан илҳомланиб, эссе ва шеърий парчалар яратишди.

Лойиҳа иштирокчилари учун бу сафар нафақат ёқимли таассуротлар, балки масъулият дарсига айланди: адабиёт – юрт ва тарих олдидаги бурч. Ҳар бир қадамжода улар ўз асарларига сингдирилажак маънавий қатламни ҳис этдилар: Гўри Амирда салобат, Шоҳи Зиндада нозик нафосат, Расадхонада фикр аниқлиги, Регистонда уйғунлик, Ҳазрати Хизрда сукунат.

“Ёш ватандош ёзувчи” лойиҳаси юртга муҳаббатни, тарихга ҳурматни ва ижодга садоқатни бирлаштирди, дея ишонч билан айтиш мумкин. Устозлар билан мулоқот, музей ва қадамжоларга саёҳат ёш ижодкорлар учун мустақкам пойдевор бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, бу сафар уларга бўлажак асарларида халқ руҳини, Ватан нафасини ва юрт тарихининг бедор оҳангини тўлақонли ифода этиш иштиёқини бахш этди.

Ижодкорлар – миллатлар аро тинчлик элчилариди!

Қилич қодир бўлмаган ишларга, албатта, қалам қодирдир!

Бугунини яшашга тирик жон борки мажбур, мангуга қадар
эса ҳақиқий ижод аҳли яшай олади!





“ИЛМ СОҲИЛИ” – САРҲАДСИЗ ИМКОНИЯТЛАР

ИЛМИЙ МУЛОҚОТ, ТАЖРИБА АЛМАШИНУВ ВА ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

◀ Boshi 1-betda

Конференсиянинг бош мақсади – хорижда фаолият олиб бораётган ватандош ўқитувчиларни мамлакатимиздаги таълим тизимидаги янгиликлар, илғор методлар ва рақамли технологиялар билан яқиндан таништириш, улар билан амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш, тажриба алмашиш ва замонавий дарс бериш методикасини муҳокама қилишдан иборат бўлди.

Анжуман давомида иштирокчилар фанлар кесимида шўъбаларга бўлинган ҳолда фикр алмашдилар. Бу мулоқот жараёнлари одатий маърузалар билан чекланиб қолмади, балки ҳар бир устоз ўзининг иш тажрибаси, муваффақиятлари ва тўсиқлари ҳақида сўзлаб берди. Таълимга интилувчан болалар билан ишлашдаги самарали усуллар, дарсни замонавий воситалар ёрдамида қизиқарли ва интерфаол шаклда ташкил этиш каби масалалар атрофлича муҳокама этилди.

МЕҲМОНЛАР ЗАМОНАВИЙ МАКТАБ ВА ТЕХНОПАРКДА БЎЛИШДИ



Анжуманнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, меҳмонлар мамлакатимиздаги таълим муассасалари, хусусан, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослашган мактабга ташриф буюрдилар, шу билан бирга, технопарк фаолияти билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдилар. Улар бевосита замонавий ўқув анжомлари, фанлар бўйича лаборатория ускуналари, рақамлаштирилган таълим ресурслари билан танишдилар. Меҳмонларда Ватанимизда ёш авлодга яратилаётган имкониятлар, уларнинг иқтидорини



Илмга ҳамма нарсангни
бермагунингча у сенга бирон
наrsa бермайди

ривожлантиришга қаратилган ёндашувлар катта таассурот қолдирди.

– Замон талабига жавоб берувчи мактабнинг жиҳозланиши, ўқув ускуналари, ўқитувчиларнинг малакаси биз учун намуна бўлади, ўйлаймизки, бу тажрибалардан унумли фойдаланган ҳолда хориждаги ўзбек мактабларига ҳам бу методларни олиб бориб, болаларнинг илм салоҳиятини оширамиз, – деди Қирғизистондан ташриф буюрган ёш ўқитувчи Мавлудахон Баҳром қизи.

“ВАТАНДОШЛАР” ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ МУҲИМ ТАШАББУСИ

Мазкур халқаро конференция “Ватандошлар” жамоат фондининг хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, уларни юртимиздаги ислохотлар жараёнига жалб этиш борасидаги узвий ҳаракатларидан бири ҳисобланади. Фонд бу орқали хорижий юртларда фаолият юритаётган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини янада юксалтириш ва ҳамкорлик майдонини кенгайтиришни мақсад қилган.

“Илм соҳили” лойиҳаси шунчаки анжуман ёки вақтинча мулоқот майдони эмас, балки юзлаб ватандош устозларнинг қалбини Ватанга янада яқинлаштирувчи, билим ва тажриба орқали умумий келажакни биргаликда барпо этишга хизмат қилувчи илмий кўприқдир.

Уфора Ҳабибуллаева

O'ZBEKISTONNI BILASIZMI?

ВАТАНГА МУҲАББАТ САЁҲАТДА НАМОЁН



◀ Boshi 1-betda

Тошкент – барака маскани

Лойиҳа Тошкент шаҳридан бошланди. Меҳмонлар пойтахтимиздаги эътиборга сазовор жойлар – Темурийлар тарихи Давлат музейи, Абулла Қодирий уй-музейи ва яна бир қатор замонавий иншоотлар билан танишдилар. Улар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва шаҳар инфратузилмасининг ривожини билан танишар экан, Тошкент нафақат тарихий, балки замонавий мегаполис сифатида ҳам улкан салоҳиятга эга эканини таъкидладилар.

Жумладан, Бразилиядан ташриф буюрган ватандошимиз Абдор Аҳмедов ўз ҳиссиётларини яширолмади:

“Мен Ўзбекистонга олдин ҳам келганман, бироқ бунга анча йиллар бўлди, ўша пайтдаги Ўзбекистонни бугунги Янги Ўзбекистонга солиштириш машаққатли ишга айланган. Қисқа фурсат давомида тарихий ватанимизнинг узун тараққиёт йўлини босиб ўтиши бизларни жуда қувонтирди. Биз ўз кўзимиз билан кўриб, янада амин бўлдикки, Ўзбекистонда адолатли сиёсат ҳукм сурмоқда!”

Мангуберди мисол мангу Хоразм

Саёҳатнинг навбатдаги манзили қадимий Хоразм вилояти бўлди. Ватандошлар ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган Ичан қалъа мажмуаси, Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Ал-Хоразмий ёдгорлик мажмуаси каби тарихий қадамжоларни зиёрат қилдилар. Улар Хоразм заминининг илмий ва маънавий мероси, унинг жаҳон тамаддунида тутган ўрни ҳақида чуқур таассуротлар олдилар.

Шариф шаҳарга ташриф

Бухоро шаҳрига уюштирилган саёҳат айниқса меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Улар Мир Араб мадрасаси, Калон минораси, Абдулазизхон мадрасаси, Лаби Ҳовуз мажмуаси каби қадимий иншоотларни кўриб, юртимиздаги Ислом маданияти ва маърифатининг бекиёс илдишларини ҳис қилишди. Бу ерда ҳар бир тош, ҳар бир бинода тарих сўзлайди, маданият ва руҳий меросимиз жонланади.

Самарқанд – қадим дунё маркази

Самарқанд – улкан тарихий ва маънавий кучга эга шаҳар. Ватандошлар бу ерда Регистон майдони,

Шоҳи Зинда мажмуаси, Бибихоним мақбараси, Улуғбек расадхонаси каби улуғ зотлар зиёратгоҳларига ташриф буюришди. Бу саёҳатлар меҳмонлар учун нафақат тарихни билиш, балки маънавий озуқа олиш, юртга бўлган муҳаббат ва туйғуларни янада мустаҳкамлаш воситасига айланди.

Юрт равнақи – фахримиз

Лойиҳа иштирокчилари юртимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодий ўсиш, туризм соҳасидаги улкан салоҳият, таълим ва инновацияга берилган эътиборни юқори баҳоладилар. Улар Ўзбекистоннинг бугунги равнақи ва эртанги салоҳиятига ишонч билан қараётганини, Ватан учун ўз билим ва тажрибаларини аямасликка тайёр эканларини билдирдилар.

“Биз Ватанни нафақат соғинганмиз, балки унинг равнақи учун хизмат қилишга ҳам доим тайёرمىз. Бу саёҳат бизга илҳом ва ишонч бағишлади”.

Жавоҳир Раҳимов

“

ЎЗБЕКИСТОН – ФАҚАТ
ХАРИТАДАНГИНА
ЭМАС, У ҲАР
БИР ЎЗБЕКНИНГ
ЮРАГИДАН ҲАМ ЖОЙ
ОЛГАН

Ернинг ҳар бурчида одамлар гоҳ
Менга ўз тилимда сўйлар, гумон йўқ:
Ўзбек кўп бутун Ер юзида, аммо
Оламда бошқа ҳеч Ўзбекистон йўқ!

Муассис:
“Ватандошлар”
жамоат фонди

Ижодий гуруҳ раҳбари:
Одилжон Саттаров

Муаллиф фикри таҳририят фикри билан мос
келмаслиги мумкин. Таҳририятга юборилган
мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар
юзасидан изоҳ берилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 20.12.2023
йил № 191084 да рақам билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Абдурауф Зокиров
Дизайнер: Феруз Ҳақимов

Манзилимиз:
100090, Тошкент шаҳри, Бобур
кўчаси, 45-уй

Қабулхона (55) 502-22-99

E-mail: gazeta@vatandoshlar.uz

Veb-sayt: www.vatandoshlarfondi.uz